SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 3-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 78 (27.098) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ватан ҳимояси — олий шараф

ЖАСУРЛАР ВА МАРДЛАР МАСКАНИ

Чирчиқда Олий танк қўмондонлик, муҳандислик билим юртини 199 нафар курсант тамомлади.

Улар танкчилар, муҳандислар, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, десантчилар, шахсий таркиб бўйича ўринбосарлардир.

Йигитларимиз кўзларида чақнаган чақин бу — Ватан. Ёвқур, жасур, мард ўғлонлар кўксидаги кенглик мустақил Ўзбекистондир.

Улар тинчлик таянчи, эл суянчи. Аскар садоқатидан сарҳадлар сокин. Қадамидан титрайди ерлар. Ҳайқирганда тоғлар гумбурлар.

Курсантлар қалқондек туришар — озодлик осмонин сақлашга, мамлакат чегараларин бедор қўриқлашга, Юртбошига содиқ қолишга.

Боболардан мерос шаън, ғурур, ботирлик. Қонимизда оқмоқда Мангубердининг мангу жасорати, Темур Малик қўрқмас қудрати, Соҳибқирон Амир Темур шавкати.

Оналар кўзида қувонч ёшлари, оталар қалбида ғурур, ҳаяжон. Юрт хизматига шай турган шерларга қараб, кўксимизда қоялар қад ростлайди. Умид ва орзулар қадам ташлайди.

Битирувчилардан бирини суҳбатга тортдик:

Мурод МАМАТОВ: — Мен билим юртининг десантчилар бўлимини тугатдим. Бугун қувончимнинг чеки йўқ. Ватан тинчлиги, юрт осойишталиги йўлида бор билим, куч-ғайратимни сарфлашга тайёрман. Билим юртида ўтган йилларим, командирлардан олган сабоқларим катта ҳаёт йўлида менга асқотади. Айниқса, шу йил апрель ойида АҚШга қилган хизмат сафаримиз бир умрга хотирамда муҳрланиб қолади.

Улар олган билимлари, чиниққан тан, енгилмас елкалари, тоғни талқон қиладиган муштлари билан бутун мамлакатдаги ҳарбий округларга Ватан ҳимоясига жўнаб кетадилар. Ўз назарий ва амалий билимларини юрт, тинчлик, омонлик учун сарф этадилар.

Бугун мустақил ҳаётга йўлланма олган аскарларга Ватан тақдири ишониб топширилган... Улар қандай вазифани бажараётгани, кимни, нимани ҳимоя этаётганини яхши англайди.

Ватанда бахшилар минг йиллар давомида куйлаган Алпомиш ва Гўрўғлининг ўлмас руҳи аждодларимизни улғайтирган, эртага авлодларни ҳам вояга етказадиган муқаддас бешик, момо ва оналаримиз тилида айтилаётган боқий алла, асрлар ҳайрати муқаддас қадамжолар бор. Аскар мана шу туйғулар учун жонини ҳам фидо қилишга, юрт байроғи ва шаънини қўриқлашга қасамёд қилади.

Фаррух ҲАМРОЕВ

❖❖❖

Суратларда: билим юртини битирганларга оқ йўл тилаш тантанасидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнггида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, унинг ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш мақсадида миллий қадриятларимизни, тинчлик ва осойишталикни, бунёдкор халқимиз яратувчилик фаолиятини мадҳ этувчи, Мустақилликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ғояларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2003 йил 1 июлдан 1 августга қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика очиқ танловини давом эттиради.

1. Мустақилликнинг 12 йиллиги байрамининг бадиий-сиёсий ғоялари учун.
2. Пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун.
3. Байрам томошасининг энг яхши сценографияси (бадиий безаги) учун.
4. Энг яхши миллий мусиқа асарлари учун.
5. Энг яхши замонавий эстрада қўшиқлари учун.
6. Вилоятларнинг энг мукаммал бадиий дастурлари учун.

Танлов шартлари:

Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларида Мустақиллик байрамининг моҳиятини, миллий қадриятларимизни, тинчлик-осойишталик, тарихий-ижтимоий жараёндаги туб ўзгаришларни мадҳ этувчи саҳнавий кўринишларни байрамона кўтаринки руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикада рўй бераётган ўзгаришларни, ислоҳотларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этмоқлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Мустақиллик майдонини, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайлгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Голиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида овоз берувчиларнинг учдан икки қисми ёқлаши орқали белгиланадилар.

Ҳайъат танлов эълон қилинган кундан эътиборан иш бошлайди. Ҳайъат котибияти белгилаган кунда йиғилиш ўтказиб, ғолибларни аниқлайди.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

Ижодий гуруҳлар учун:
I мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм
II мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм
III мукофот — 100000 (юз минг) сўм
Якка тартибда иштирок этганлар учун:
I мукофот — 100000 (юз минг) сўм
II мукофот — 75000 (етмиш беш минг) сўм
III мукофот — 50000 (эллик минг) сўм

I мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мурожаат учун манзил:
Индекс: 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Маданият ишлари вазирлиги, 1 қават, «Мустақиллик байрами танлови»га деб кўрсатилиши лозим. Тел.: 144-63-73.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Болалар спорти

СУЗИШ ҲАВЗАСИДА ЧИНИҚАЁТГАНЛАР

Пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуи болалар ва ўсмирларнинг энг севимли масканларидан бири саналади. Йилнинг қайси фасли бўлмасин, бу ер спортсевар ўғил-қизлар билан гавжум. Улар кураш, футбол, эркин ва юнон-рум кураши, сузиш, енгил атлетика, камондан ўқ отиш сингари ўндан ортиқ спорт турлари билан шуғулланишмоқда.

— Ҳозир айниқса сузиш бўлимида иш қизғин, — дейди сузиш ҳавзаси бошлиғи Галия Мустафина. — Бу бўлимда нафақат спортчилар, балки ўз саломатликларини мустаҳкамлаш ниятида бўлганлар ҳам шуғулланишади. Ҳавзамиз соатига 100-110 нафар кишига хизмат қилиш имкониятига эга. Келувчиларнинг катта қисмини ёш болалар ташкил этиши бизни қувонтиради. Улар учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, Чилонзор туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар фарзандларининг текин шуғулланишларини йўлга қўйганмиз.

— Сузиш билан шуғулланаётганимга икки йилдан ошди, — дейди ўзини Ҳидоят Муҳаммадраҳимов деб таништирган болакай. — Уйимиз анча олисда. Қўйлиқ мавзесидан қатнайман. Аввал отаонам билан келардим. Ҳозир катта бўлиб қолдим. Ҳамза туманидаги 268-мактабнинг бешинчи синфида ўқийман. Биринчи келган вақтимда шунчаки сузишни ўрганмоқчи эдим. Энди қизиқиб қолдим, чемпион бўлмоқчиман.

Бу ерда Ҳидоят сингари дастлаб сузишни ўрганиш учунгина келиб, энди чемпионликни орзу қилаётган болакайлар оз эмас. Ўн-ўн икки ёшдаги Азизбек Маматқулов, Аббос Толипов, Ҳабибулло Шамсимуҳамедовлар ҳам худди тенгдошлари каби шу масканда икки йилдан бери сузиш билан мунтазам шуғулланишмоқда. Тўғри, бу болакайларнинг барчаси эртага спорт юлдузи бўлиб улғаймас, лекин улар соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига шак-шубҳа йўқ.

Эркин ХОЛБОБО

❖❖❖

Суратда: МҲСК спорт мажмуи сузиш ҳавзасида



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Долзарб мавзу

ЎЗБЕКИСТОН МЕБЕЛСОЗЛИГИ: БУГУН ВА ЭРТАГА

МАМЛАКАТ МЕБЕЛСОЗЛИГИНИНГ АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА МУТАХАССИСЛАР ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

Соҳа тарихидан мисол...

Манбаларда айтилишича, Ўзбекистон мебелсозлигига 1938 йилнинг 28 августида асос солинган. Шу йили ҳозирги «Тошкентмебель» акциядорлик жамияти ўрнида илк маротаба ёғочни қайта ишлайдиган «артел»лар фаолият кўрсата бошлаган. Ўша даврларда бу артелларда атиги 12 нафар дурадгор меҳнат қилишган, иш жараёнлари эса содда, қўл меҳнатига асосланганди. Кейинчалик бу кичик тармоқлар ўрнида катта-катта мебелсозлик шахобчалари вужудга кела бошлаган. Улар мамлакатимизда мебель фабрикаларининг барпо қилинишига туртки бўлган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мебелсозлик соҳасида янги давр бошланди, қатор катта-кичик корхоналар ташкил этилди. Ўзимизнинг хомашёдан турли хил мебеллар тайёрлаш бошланди. Уларнинг тури кўпайиб, сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилган шундай мебеллар борки, хорижники билан ёнма-ён қўйсангиз асло ажратиб бўлмайди.

Мебелсозликни янада ривожлантириш учун нима қилмоқ керак? Бу соҳанинг бугунги муаммолари нималардан иборат?

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

«Ғалла — 2003»

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН ҒУРУР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК ҒАЛЛАКОРЛАРГА ЙЎЛЛАГАН ТАБРИГИ ВОҲА АҲЛИНИ РУҲЛАНТИРИБ ЮБОРДИ

Хабарингиз бор, сурхондарёлик ғаллакорлар мамлакатда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш шартномавий режаларини бажаришди. Ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан олиб борилгани боис 20 иш кунида давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов йўллаган табрик Сурхон элига чексиз шоду хуррамлик бахш этди.

«Бу ғалабани қўлга киритишда Сурхон воҳаси миришкорларининг бой деҳқончилик тажрибаси, ризқ-рўзимиз манбаи — ерга, меҳнатга янгича муносабати, ғайрат-шижоати, доимо янгиликка интилиш каби олижаноб фазилатлари асосий омил бўлгани шубҳасиз», — дейилди табрикда.

Дарвоқе, бу катта муваффақиятга сурхондарёликлар осонгина эришганлари йўқ. Буғдой айни бошоқлаш даврида кетмакет ёққан ёмғир, шимолий худудларда бўлган дўл, жала ва совуқ туфайли ғаллазорлар зарар кўрди. Табиат синовларига чора излаб, майсазорларга кўпроқ озуқа бериш, қўшимча парвариш қилишга тўғри келди...

Шамсиддин ОРИПОВ, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими: — Деҳқонларимиз қўлга киритган ютуқнинг ўзига хос омиллари бор. Энг асосийси, улар ўзлари хоҳлаган ва бот-бот тажрибада синалган буғдойнинг энг сара уруғини далаларга танлаб экишди. Ўтган йилнинг кузида 45,7 минг гектар майдонга «Крошка», 14,3 минг гектар далага «Княжна», 27 минг гектардан ортиқроқ ерга «Половчанка» навлари уруғи сепилди. Айтиш керакки, бу буғдойларнинг уруғини деҳқонларимиз олдинги йиллар ҳам экиб тажриба қилишганди. Шунингдек, маҳаллий навлардан ҳисобланган ва айниқса бу йилги шароитда деҳқонларимизга ғоят маъқул бўлган «Чилаки» нави 5,6 минг гектарга экилди. Бундан ташқари янги ва истиқболли навлар ҳам ғаллакорлар кўзлаган ҳосилни берди.

...Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, одамларда меҳнатга бўлган муносабат ўзгарди, ерга эгалик ҳисси кучайди. Кўплаб оилавий пудрат звенолари ҳар гектар майдондан 80-100 центнерлаб хирмон кўтаришяпти. Масалан, Сариосиё туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида яшовчи О.Сангинов бошлиқ оилавий пудратчилар ҳар гектар ғаллазордан олинган ҳосил 110 центнерни ташкил этди.

Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев 33 гектар ердан 340 тонна ғалла олишга эришди. Бу ерда ҳам ҳосилдорлик — 110 центнер!

— Очиғи, шунча ҳосил етиштираман деб ўйламаган эдим, — дейди фермер. — Ҳамма ғап меҳнатда, ерга бўлган муносабатда экан. Ерга берсанг, ер сенга беради, дейишгани рост. Одамларимизда манфаатдорлик ҳисси ўсди. Давлатга 100 тонна дон топширдик. 240 тонна ғалла ўзимизда қолди. Бу — 17 миллион сўм даромад дегани...

Президентимиз табригидан шундай қувондимки, худдики шу ғаплар мен учун айтилгандай. Меҳнатимиз ҳар жиҳатдан қадрланаётганини кўриб турибмиз. Одам ғурурланаркан...

Вилоят бўйича 95 минг гектар суғориладиган ердан ўртача 43,5 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу ҳали вилоятдаги ғалла майдонларининг қарийб ўттиз фоизига ўроқ тушмаган ҳолдаги кўрсаткич! Демак, ўрим-йиғим якунлангач, ялпи ҳосилдорлик гектарига бемалол 50 центнерни ташкил этади.

— Бугун қалбимизда мавж урган ғурур ва ифтихор туйғусининг боиси битта, — дейди **Қизириқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Абдурасул ТИЛАВОВ,** — ғаллакорларимизнинг Ватан ва Юртбошимиз олдида юзлари ёруғ...

...Ҳа, Сурхон ғаллакорлари меҳнат ғалабасида Сариосиё, Қизириқ, Термиз, Бойсун, Музработ, Жарқўрғон туманлари меҳнаткашларининг ҳиссасини ва ўрим-йиғим даврида ташкил этилган қулай шарт-шароитлар ҳамда жамоатчилик фаоллигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳали ўриб-йиғиб олинмаган ғалла майдонларида иш қизғин. Ҳосилга боқиб кўз қувонади. Ғаллазорларда комбайнлар наъраси... Бу — вилоят ғаллакорлари уйган дон хирмони янада юксак бўлишидан далолат.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИККИ ТУМАН ҒАЛАБАСИ

Андижон вилоятидан хушхабар келди. Избоскан тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб дон тайёрлаш шартнома режасини бажардилар. Давлат қабул пунктларига 22116 тонна сара дон етказиб берилди. Бундай салмоқли хирмонни барпо этишда А.Тиллабоев номли, «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон», «Урганжи», «Пойтуқ», Охунбобоев номли, «Чўнгбоғиш», «Гуркиров» ширкат хўжаликлари миришкорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Шунингдек, Андижон тумани деҳқонлари ҳам 13835 тонналик хирмон кўтардилар. Бунда Т.Мирзаев номли, «Ҳақиқат», «Гулистон», И.Патхиддинов номли, И.Бакиров номли ширкат хўжалиги деҳқонларининг улкан улушлари бор.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

18 ТУРДАГИ СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши билан барча ерда ёш авлодни жисмоний чиниқтиришга эътибор тубдан ўзгарди. Лекин, болалар спортини ривожлантириш мавсумий иш эмас. Бу мақсадга тўлиқ эришиш учун ҳали муаммолар бисёр. Айниқса, спорт жиҳозлари етишмаслиги ҳаммага аён. Шуни ҳисобга олган «Бухоро механика-таъмирлаш заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 18 турдаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш учун сертификат олдилар.

— Булар асосан турли хил гимнастика асбоблари, — дейди жамият раиси И.Султонов. — Шунингдек, волейбол устуни, 5, 10, 15 килограммли гантеллар ҳам ишлаб чиқаряпмиз. Дастлабки буюртмани Бухоро туманига етказиб бердик.

(Ўз мухбиримиз)

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хомашё

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, мебель саноатининг ривожи бевосита хомашёга боғлиқ. Мебелсозлик ривожланганги сари унга талаб ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, «ДСП», «ДВП» русумли маҳсулотлар ҳануз Россиянинг саноат корхоналаридан валюта эвазига келтирилмоқда. **Мебелсозлигимизнинг бугунги ва келгусидаги истиқболи ҳақида ўйлаганда табиий савол туғилади: бу «матоҳ»ларни — хомашёни ўзимизда тайёрлашнинг имкониятлари борми, етарлими?**

Мукаррамхон АЗИМОВА, «Файз» холдинг компанияси раиси:

– Қадимда ота-боболаримиз ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган ёғочларни четдан ташиб келтирмаганлар. Улар ўзимизнинг терак, тут, ёнғоқ, чинор, қайрағочлардан кенг фойдаланганлар. Чунки, бу дарахт турлари ўзга юртлардан келтириладиган ёғочларга қараганда силлиқлиги, қаттиқлиги, чидамлилиги билан алоҳида ажралиб турган.

Энди-чи? Жойларда чинор, тут, ёнғоқ, қайрағочларни кесиб, оддий ўтин сифатида сотиб юборилаётганини кўрганимда биз уларни экмасак, кўпайтирмасак, борини кесиб сотаверсак, эртага нима бўлади деб ўйлаб қоламан? Бу номақбул ишларимизни келажак авлод кечирармикин?

Илгарилари, халқимизда яхши бир анъана бўларди. Оилада фарзанд дунёга келса, унга атаб терак ёки бошқа бир дарахт кўчатини ўтказиш одат тусига кирганди. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз фарзандлар улғайиб, то камолга етгунларича, ушбу кўчатлар ҳам дарахт бўлиши, янги уй-жой қуриш учун ишлатилишини яхши билганлар. Дунёнинг бошқа халқларида учрамайдиган бу анъаналаримиз сўнгги йилларда, кўп жойларда унутилаётганга ўхшайди.

Мен бу сўзларни нима учун айтяпман?

Дарахт кесилдими, ўрнига бошқаси экилмаса, мебель саноати корхоналари ривожига ҳам тўсиқ бўлади. Биз ҳукуматимиз қарорига асосан хомашёни фақат Россия ва бошқа давлатлардан ташиб келтирмай, маҳаллий хомашё — терак, тол, чинор, ёнғоқ ва қайрағочлардан мебеллар тайёрлаяпмиз.

Шу ўринда бир мисол. Агар, собиқ иттифоқ даврида мебелсозликда қўлланиладиган хомашёнинг 95 фоизи четдан ташиб келтирилган бўлса, эндиликда бу рақам 50-60 фоизни ташкил қилаётир. Бугунги кунда олти турдаги асосий маҳсулотимиз тўлиқ маҳаллийлаштирилган. Айниқса, юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришдаги изланишларимиз самарали бўлаяпти. Бундан чамаси, уч йилча муқаддам мебелсозликда ўта зарур бўлган хомашё — поролон тайёрлаш йўлга қўйилди. Эндиликда бу сингари маҳсулотларни ташқаридан катта валюта эвазига сотиб олишга ҳожат қолмади. Мебеллар тайёрлашда зарур бўладиган формалин, капролактам, нитролак каби материаллар бир пайтлар Россиядан ташиб келтирилган бўлса, эндиликда, ўзимиздаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётир. Демак, энг аввало, мамлакатимизда миллионлаб валюта тежалмоқда, қўшимча янги иш ўринлари яратилмоқда.

Саволлар...

— «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси тугатилиб, унинг тасарруфидаги корхоналар «Файз» холдинг компанияси бошқарувига ўтди. Бундан кўзланган мақсад нима?

– Мақсад республикамизда мебель саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босадиган, экспортга мўлжалланган мебеллар ишлаб чиқариш, ўзбек мебелининг довруғини дунёга танитиш, — дейди «Файз» холдинг компанияси раиси Мукаррамхон Азимова, — Шу боис, ҳукумат қарорига кўра, 2001 йилда «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси тугатилиб, унинг таркибидаги аксарият корхоналар компаниямиз тасарруфига ўтказилгач, жамоанинг иш ҳажми, қолаверса масъулияти янада ортди. Шу ўринда, ҳақли савол туғилиши табиий. «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси тугатилди-ю, унинг тасарруфидаги корхоналарнинг ўзи мустақил фаолият кўрсатаверса бўлмасмиди?

Илгарилари, «Ўзбекмебель» таркибида 50 та корхона бўларди. Эндиликда эса уларнинг бир қанчаси фаолият кўрсатмаётир. Масалан, бир пайтлар пойтахт вилоятининг Чиноз туманида «Олмазор» мебель фабрикаси бор эди. Мамлакатимиз аҳолиси учун юмшоқ мебеллар ишлаб чиқариб келган, кучли мутахассисларга эга бу корхона ҳозир ўз фаолиятини тўхтатган. Худди шунингдек, Янгийўл шаҳридаги йирик мебель корхонаси ҳам эндиликда фаолият кўрсатмаётир. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Компания тасарруфига ўтган мебель фабрикаларининг бир қанчаси инқирозга юз тутган, хомашё йўқлиги боис, баъзилари маҳсулот ишлаб чиқаришни батамом тўхтатган, яна бошқаси «қулоғигача» қарзга ботган, ҳайҳотдек корхоналарни мутахассислар-у, ишчилар тарк этаётган бир пайтда ишни нимадан бошлаш керак?

Бу қийин вазиятдан чиқиш учун кўпгина мебель корхоналарига янги, замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Ишга муносабат, маҳсулот сифати ва дизайни бирмунча ўзгарди. Бироқ, шу йили кўрилган бу чора-тадбирлар билан мамлакатимиз аҳолисини ҳар томонлама қулай, хорижникидан асло қолишмайдиган мебеллар билан таъминлаш мушкул эди. Нима қилиш керак? Албатта, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё ҳам сифатли бўлиши зарур. Муҳими четдан келтирилаётган хомашё ва бутловчи қисмлар давлат андозаларига тўла жавоб бериши билан бирга экология талабларига ҳам мос келиши лозим эди. Ваҳоланки, илгарилари мебелсозликда қўлланилган материаллар сифат сертификати бўлмаса-да, республикамиз ҳудудига қандайдир йўллар орқали олиб кирилган. Бу эса ўз ўрнида тайёрланган маҳсулотлар сифатига жиддий таъсир кўрсатган. Эндиликда эса биз бу каби хатоларни такрорламаслик учун мебеллар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган материалларни, хоҳ у четдан келтирилган бўлсин, хоҳ маҳаллий хомашё бўлсин, давлат стандарти талабларига тўла жавоб берсагина харид қиламиз.

Ҳозир компаниямиз тасарруфида 30 та корхона бўлиб, уларнинг 22 таси бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Мавжуд 10 та қўшма корхонамизда ишлаб чиқарилаётган мебеллар эса ўзининг сифати, дизайни, ташқи кўриниши жиҳатидан хорижникидан сира қолишмайди. Бу мебелларга талаб катта.

— Ҳозир неча хилдаги мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилган?

— Компаниямиз тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган мебеллар ҳамда халқ истеъмоли моллари ҳажми 400 турдан ошди. Умуман олганда, бизда омборларда туриб қолаётган мебеллар деярли йўқ. Шундай экан, янада изланса, кўпроқ буюртмалар олсак, бу маҳсулотлар турини 1000 тага етказиш мумкин. Яна шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ўтган 2002 йилда тизимимиздаги корхоналарда 6 миллиард 534 миллион сўмлик мебель ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, биргина бош корхонамизда мебелларни экспортга йўналтиришдан 2001 йилда 679 минг АҚШ доллари миқдорида даромад кўрилган бўлса, ўтган йили бу рақам шу корхонанинг ўзида 1 миллион 150 минг АҚШ доллари атрофида бўлди.

«Тошкентмебель» акциядорлик жамиятида ҳам 2002 йилда 381 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот тайёрланиб, экспорт ҳажми 2001-2002 йилларда 80 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йиллар оралиғида тизимимиздаги 8 та мебель корхонаси ўз маҳсулотларини экспорт қилишга улгурди. Биз маҳсулотларимизни асосан, Марказий Осиё давлатларига экспорт қиламиз. Демак, республикамиз мебель саноатида айни дамларда ислоҳотлар бир маромда бораётир. Кўриб турганингиздек, рақамлар хоҳ катта бўлсин, хоҳ у кичик бўлсин, барибир қилинган ёки қилинмаган ишларни аниқ кўрсатиб турибди.

Агар, 1998 йилда республикамизга ташқаридан 90 миллион АҚШ доллари қийматидаги мебеллар келтирилган бўлса, 1999 йилда 70 миллион, 2001 йилга келиб эса 24 миллион, 2002 йилда 12 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган.

— Хўш, ўзимизнинг маҳаллий мебель корхоналаримизда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатига қандай баҳо бериш мумкин? Нарх-навоси қай даражада?

— Сўнгги йилларда корхоналаримизда ўзининг дизайни, бежиримлиги, қолаверса, сифати жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайдиган мебеллар тайёрланмоқда. Нархи ҳам четникига қараганда 3-4 баравар арзон. Буни харидорларнинг ўзлари ҳам яхши билишади.

— Нега унда харидорлар орасида ҳануз хорижда ишлаб чиқарилган мебелларга ишқибозлар оз эмас.

— Ўринли савол. Одамларимиз ҳамон «чет элники яхши», — «импортные» деган тасаввурлардан қутила олмаяптилар. Улар онгида ҳануз илгариги эски фикрлар ўрнашиб қолган. Эсингиздами, «Келинлар қўзғолони» фильмидаги Фармонбибининг келинларига қарата: «...Агар, хўрозқанд чет элники дейишса, ётиб олиб ялашади», — деган сўзлари. Собиқ иттифоқ даврида дўконларда чет эл маҳсулотлари «подприлавка» тарзида сотиларди. 100 фоиз пахтадан тайёрланган кийимликларни эса биров менсимасди ҳам. Эндиликда-чи? «Синтетика» жонига теккан одамлар яна пахтадан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қўмсашаётир.

Ўзингизга аён, ҳар бир киши яхши кунига атаб «уч-тўрт» сўм жамғаради. Умид билан йиққан пулига эса ўзига ёққан қайсидир маҳсулотни харид қилишни ҳам ўзи белгилайди. Аммо, масаланинг бошқа томони бор: ўзга давлатлардан катта миқдордаги валюта ҳисобига олиб келинаётган маҳсулотларни сотиб олиш билан биз ўша мамлакатлар иқтисодиёти, тараққиётига ҳисса қўшган бўламиз. Буни, афсуски, ҳамма ҳам ўйлайвермайди.

Шу ўринда бир муаммо ҳақида тўхталмасам, бўлмайди. Республикамизда шу кеча-кундузда мебеллар ишлаб чиқариш ва уларни сотишдаги рақобат ҳам адолатли эмас. Боиси, ҳозир нима кўп, кўчакўйдаги кичик-кичик устахоналарда тайёрланаётган оддий мебеллар кўп. Ана шу устахоналарда тайёрланаётган бундай, «маҳсулот»лар бозорга, дўконларга чиқиб кетаяпти. Бу — маҳаллий мебель корхоналаримизда тайёрланган маҳсулотларга харидор ишончини сусайтирмоқда.

Тўғри, биз ана шу фаолият билан шуғулланаётганларга қарши эмасмиз. Аммо, аҳоли ҳам яхши кунига атаб, сотиб олган мебелларидан нолиши керак эмас-да. Жаҳон андозаларига мос, замонавий мебелларни оддий хусусий тадбиркорнинг ёлғиз ўзи тайёрлай олиши қийин. Чунки, кичик бу устахоналарда замонавий дастгоҳлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган технологик база, хомашё сифатини аниқлайдиган назорат-таҳлил лабораториялари, қолаверса, соҳа мутахассислари деярли йўқ. Шуни ҳисобга олиб, эҳтимол бу соҳани тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Муаммолар...

Тўрабек НАЗАРОВ, «Тошкентмебель» акциядорлик жамияти раиси:

– Биз, «Файз» холдинг компанияси таркибидаги корхоналар маҳаллий хомашёлардан мебеллар тайёрлаб самарадорликка эришаяпмиз. Аммо, республикамизнинг бошқа вилоятларидаги компаниямиз бошқарувида бўлмаган мебель фабрикалари-чи? Уларнинг аҳволи жуда оғир. Профессионал мутахассислар етишмайди. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида эса мебелсозлар тайёрлашга ихтисослашган бирорта ҳам факультет йўқ. Ҳатто, ўрта-махсус билим масканларида ҳам бу соҳа бўйича мутахассис тайёрлайдиган бўлим ташкил этилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Агар бу ҳақда ҳозирдан жиддий ўйланмаса, мебелсозлик саноати келажаги ҳақида нима дейиш мумкин?

Бир пайтлар Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида «Мебель сизлар учун» жамоа савдо корхонаси бўларди. «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмасига қарашли бўлган, республикамиз мебель саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо қилувчи бу марказлаштирилган дўконда маҳсулотлар сифати бўйича йилда икки марта кўрик-танлов ўтказиларди. Эндиликда бу дўкон ҳам фаолият кўрсатмаяпти. Худди шу ерда яна муаммо пайдо бўлаяпти. Маълумки, пойтахтимиздаги аксарият мебель дўконлари хусусийлаштирилган. Улар асосан, хориждан келтирилган мебель тўпламлари билан бир қаторда, кичик-кичик мебелсозлик устахоналарида тайёрланаётган «қўлбола» мебеллар сотуви билан шуғулланмоқда. Биз корхонамизда тайёрланаётган мебелларни ушбу хусусий дўконларда ҳар доим ҳам сота олмаймиз... Дўкон эгалари бизга ўхшаш акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни негадир унчалик хуш кўришмайди. Тўғриси, бундай дўконларнинг ўз тартиби, манфаати ўзига ярашага ўхшайди.

– Бугунги кунда, талаб ва буюртмалардан келиб чиқиб, маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз зарур, дейди — **«Файз» холдинг компанияси бош корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Роман АЙИТОВ.** — Аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун маркетингни ўрганишимиз лозим. Бизда эса маркетинг билан шуғулланиш ишлари ҳозирча оқсамоқда.

Яна бир фикрни айтмоқчиман. Арпа, шоли сингари бошоқли экинлар поясидан «ДСП» ишлаб чиқариш имконияти бор.

Изоҳ:

Соҳа мутахассиларининг берган маълумотларига қараганда, ўтган давр мобайнида, тизимда 10 та қўшма корхона ташкил қилинган. Ушбу йўналишларда қилинган ҳамкорлик натижасида, республикамизга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж инвестицияси ҳам киритилган. Мебелсозлик соҳасини янада равнақ топтириш, ўзбек мебелини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун хорижлик ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантиришнинг имкониятлари катта. Яқинда Россиянинг «Свобода» мебель корхонаси Испания технологияси асосида «Тошкентмебель» акциядорлик жамияти билан ўзаро шерикликни йўлга қўйиб, маҳаллий хомашёларимиздан эшиклар ишлаб чиқариш истагини билдирибди.

Мутахассислар фикрича, агар «Файз», «Тошкентмебель» ҳамда «Сергелимебель» корхоналари тўла қувват билан ишласа, мамлакатимиз аҳолисининг сифатли мебель маҳсулотларига бўлган талабини деярли қондиради.

Таклифлар...

— Сифатли, харидоргир мебеллар ишлаб чиқариш фаолиятимизнинг 50 фоизини ташкил қилса, қолган ярми уни сотиш ҳисобланади, — дейди **«Сергелимебель» бирлашмаси раҳбарининг ўринбосари Алишер Орипов.** — Шундай экан, мебель туркумларини аҳолига сотишда, энг аввало, тарғибот ва тушунтириш ишларини йўлга қўймоғимиз лозим. Ана шунда, маҳсулотни тайёрлаган корхонанинг номини ҳамма билади. Ундан ташқари, мебель саноати учун зарур хомашёни ишлаб чиқарувчи тармоқлар билан узвий алоқани йўлга қўйиш керак. Масалан, аввалари, кўплаб мебель корхоналари бозорлардан нақд пулга маҳаллий хомашё — терак, тут, ёнғоқ, чинор ва қайрағочларни сотиб олишга мажбур бўларди. Эндиликда, эса бу масалада ўрмон хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармалари билан шартномалар имзоланмоқда.

– Илада мебель ҳар йили ҳам сотиб олинавермайди, — **дейди мебелсоз уста Бахтиёр БАҲРОМОВ.** — У камида беш-ўн йилда бир маротаба ёки узоқ муддатларга харид қилинади. Аммо, сотиб олинган маҳсулот сифати талаб даражасида бўлмасачи? Ҳозир қай бир мебель дўконига кирманг, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган сифатсиз мебелларга кўзингиз тушиши табиий. Кичик-кичик устахоналарда «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида тайёрланиб, аҳолига катта пул эвазига сотилаётган ана шундай жиҳозларни кўрганимда, тўғриси, уларни харид қилаётганларга ачинаман.

Мен мебелсоз устаман. «Тошкентмебель» акциядорлик жамиятида узоқ йиллар меҳнат қилганман. Мебелсозликда кўзбўямачиликка йўл қўйиб бўлмайди. Мебель нархи анча қиммат. Одамлар жабр кўрмаслиги керак. Фикримча, мебелсозликда фаолият кўрсатаётган барча кичик тармоқлар ҳам «Файз» холдинг компанияси бошқарувига ўтказилса, тартибга солинса, керакли ўринларда уларга ҳам ёрдам кўрсатилса...

Мутахассислар фикрларидан кўриниб турибдики, ўзбек мебелсозлигида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам оз эмас. Демак, соҳани ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос, сифатли мебел туркумларини яратиш учун мавжуд муаммоларни ҳал этиш керакка ўхшайди. Ана ўшанда, мебель дўконларидаги маҳсулотлар сифатли, арзон бўлади, ўз вақтида сотилади. Бундан ишлаб чиқарувчи ҳам, харидор ҳам бир хилда наф кўради.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

❖❖❖❖❖

ТАҲРИРИЯТДАН: Мебелсозлик саноати мамлакатимизда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мустақилликдан сўнг ўтган ўн-ўн икки йил орасида қатор корхоналар пайдо бўлди, анча пишиқ, бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Энг қувончли томонларидан яна бири, мазкур соҳанинг мутахассислари, ишбилармонлари шакллана бошлади.

Табиийки, шу жараёнда муаммолар, маълум зиддиятлар пайдо бўлади, имкониятдан фойдаланиб, кимлардир ғайри йўллар билан ўз манфаати учун ҳам курашади.

Мебелсозлигимиз истиқболи эса камчилик ва муаммоларни қанчалик тез ҳал этишимизга боғлиқ, албатта. Кимлардир харидорларни алдаб, арзон, қўлбола молни обрўли корхона номидан ўтказишга ҳаракат қилади. Кимлардир ғайрат билан мебелсозлик бўйича кичик корхона очган. Аммо замонавий технология масаласида қийналмоқда. Соҳа мутахассисларининг айтадиган ғаплари, таклиф-мулоҳазалари оз эмас. Тегишли идоралар уларни ўрганадилар, деган умиддамиз.

Долзарб мавзу

ЎЗБЕКИСТОН МЕБЕЛСОЗЛИГИ: БУГУН ВА ЭРТАГА

МАМЛАКАТ МЕБЕЛСОЗЛИГИНИНГ АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА МУТАХАССИСЛАР ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ



ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

◆ **Хоразм вилоят** ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ва ХДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Гиёҳвандлик иллатидан ўзингизни ва яқинларингизни асранг!» мавзусида ҳайрия тадбири ташкил қилинди. Тадбирда Хоразм эстрада юлдузлари иштирокида концерт номойиш этилди.

◆ **ХДП Тошкент вилоят кенгаши** Бекобод туманида «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуида «давра суҳбати» ўтказди. Мулоқотда Бекобод шаҳар, Бекобод, Бўка, Оққўрғон туманларидаги партия фаоллари иштирок этдилар. Тадбирда ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг аянчли оқибатларини тушунтириш ишларини самарали олиб борилишини ташкил қилиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

◆ **ХДП Оққўрғон туман кенгаши** «Ўзбекистон» ва «Мустақиллик» маҳаллаларида маҳалла қўмиталари раислари, ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида тадбирлар ўтказди. Иштирокчилар аҳоли вакилларига гиёҳвандлик келтириб чиқарадиган фожиалар ҳақида тушунтириш бердилар.

◆ **Урганч туман партия кенгаши** тумандаги қатор жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда «Жайхун» болалар оромгоҳида тадбир ўтказди. Унда ўқувчи ёшлар ўртасида югуриш мусобақаси, асфальтда расм чизиш танлови ҳамда ёш рассомларнинг гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисида чизган расм плакатларининг намойиши ташкил қилинди. Тадбирда иштирок этган туман «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари К.Матчанов, саломатлик маркази бош шифокори С.Мадраҳимовлар ёшларга гиёҳвандликнинг инсонларга етказадиган моддий ва маънавий зарарлари тўғрисида гапириб бердилар.

МАДАНИЙ-МАРИФИЙ, ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР

◆ ХДПдан Олий Мажлис депутати А.Гофуровнинг **Қамаши туман** «Чимқўрғон» жамоа хўжалигида ўз сайловчилари билан учрашуви «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Депутат мазкур Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритди. Учрашув сўнггида лойиҳа юзасидан билдирилган турли таклифлар умумлаштирилди.

◆ **Нурота туман** ҳокимлиги ва партия кенгаши ҳамкорлигида бир гуруҳ фахрийларнинг Самарқанд шаҳрига зиёрат сафари уюштирилди. Сафар олдидан Нурота туман ҳокими У.Ҳакимов зиёратчилар билан учрашиб, уларга оқ йўл тилади. Зиёратчилар Регистон, Гўри Амир мақбараси, Улуғбек расадхонаси ҳамда ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлдилар. Уларга туман партия кенгаши биринчи котиби Т.Одилов етакчилик қилди.

◆ **ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши** ва «Меҳр-саховат» нодавлат ташкилоти ташаббуси билан шаҳардаги энг сўлим ва кўркам мактабда 25 нафар болага мўлжалланган оромгоҳ ташкил этилди. Ҳозир мазкур оромгоҳда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқаришмоқда.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

◆ **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши** ижроия бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Бекобод туман партия кенгашининг «Обод маҳалла йили» тадбирларида иштирок этиш амалиёти тўғрисида» ва «ХДП Паркент туман кенгашининг партия МК V пленуми якунлари бўйича махсус мажлисларни ўтказишни ташкил этиш амалиёти ҳақида»ги масалалар муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди ва партия ташкилотларига тегишли тавсиялар берилди.

◆ **ХДП Пискент туман кенгаши** негизида «Халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишини фаоллаштиришнинг шакл ва услублари» мавзуида партия етакчиларининг семинар-кенгаши ўтказилди. Йиғилишда Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов ҳамда қатор туманлар партия кенгашлари етакчилари сўзга чиқиб, депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар, бажариладиган вазифалар ҳақида гапирдилар.

◆ **Деҳқонобод тумани**даги «Қўнғирот», М.Иброҳимов номли хўжаликлар, М.Турсунзода, Аэродром, Нодира номли маҳаллалар ҳудудий партия ташкилотларида МК V пленуми ҳужжатларини ўрганиш юқори савияда ташкил этилди. Ўтказилган йиғилишларда пленумда кўтарилган масалалар атрофлича таҳлил қилинди ва тегишли хулосалар чиқарилиб, вазифалар белгилаб олинди.

(Давоми 4-бетда.)

Бешариқ Фарғона вилоятининг аҳолиси кўп туманларидан ҳисобланади. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишини ҳисобга олсак, бу ерда аввало, бирламчи тиббий ёрдам тизимини ўзгартириш талаб этилади. Ва шундай қилинмоқда ҳам. Туманда бешта касалхона, 18 та тиббий ёрдам пункти фаолият юритмоқда. Унинг 15 таси қишлоқ врачлик пунктидир. Қолганлари санитария-эпидемиология назорати маркази, дезинфекциялаш станцияси, саломатлик маркази, болалар поликлиникаси, марказий ҳамда стоматология поликлиникаларидир. Улар замонавий даволаш ва диагностика ускуналарига эга. Дарвоқе, Жаҳон банки тумандаги 7 та қишлоқ врачлик пунктига 30 минг АҚШ доллари қийматидаги тиббий техника ва ускуналарни бағишлаб ёрдам сифатида берди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Кенжабой Пайғамовнинг айтишича, қишлоқ врачлик пунктлари ходимларининг касбий билимини оширишга катта эътибор берилмоқда. Негаки, улар беморларга биринчи ва зарур ёрдам кўрсатадилар.

❖ ❖ ❖

Суратларда: 1) Болалар врачи Дилфуза Назирова;
2) Туман марказий шифохонаси.

Нуриддин ва Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар



Мулоҳаза

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

мустақил билим олиш, меҳнат қилиш имкониятини шакллантиради ва шу асосда чуқур билим эгаллаш учун замин яратади

Талабаларнинг касбий тайёргарлиги, замон талабига мос комил инсонлар бўлиб шаклланишида мутахассислар, кафедра ва педагогларнинг роли ниҳоятда катта.

Дарс жараёни, назарий билимлар ва амалий машғулотлардан ташқари талабалар билан мустақил иш режаларини ва ўз ихтисослиги бўйича етук мутахассис бўлиб етишишида мустақил таълим олишнинг аниқ ва пухта йўналишларини ишлаб чиқиш керак.

Мустақил таълим олаётган талаба таълим жараёнининг бир қатор йўналишларини ўрганади: биринчидан, мустақил ўқиб, ўрганиб қатор предметлар бўйича билимлари мустаҳкамланади, иккинчидан, ҳар бир предмет устида алоҳида астойдил тўхталиб, фанни ўрганиш усул ва услубларидан фойдаланган ҳолда унинг методикасини ҳам ўрганади.

Бу ерда педагогнинг талабалар билан ижодий ва индивидуал ҳамда илмий-методик иши муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли ҳам педагог нафақат ахборот берувчи-маърузачи, балки талабаларни мустақил таълим олиш сари етакловчи ташкилотчи ва ижодий бошқарувчи ролини ўйнаши лозим.

Педагог индивидуал мустақил таълим олаётган талаба билан ишлаш жараёнида қуйидагиларга амал қилиши керак, деб ҳисоблайман:

- ҳар бир талабани диққат билан характер хусусиятини, қобилиятини ўрганиш;
- талаба психологияси, шахсиятига мос имкониятларини ҳисобга олиш;
- талабанинг ақлий фаолиятини ўрганиш;
- талабанинг меҳнат қобилиятини шакллантириш;
- талабани мустақил фикрлашга ўргатиш.

Ўқитувчи бу жараёнларни бошланғич курсдан бошлаши ва кейинги курсларда мураккаблаштириб, такомиллаштириб бориши керак. Биринчи курсдан мустақил ишлашга, таълим олишга қатъий аниқ босқичлар бўйича режалаштирилган асосда олиб борилиши талабанинг ўқиш, ундан кейинги илмий фаолияти, ишлаб чиқариш фаолиятида ҳам бир маромли ва масъулият билан ёндашиш, жавобгарликни ҳис қилиш каби қобилият, фазилатларини камол топтириш учун омил бўлиб хизмат қилади.

Талабалар биринчи курсдан бошлаб белгиланган мавзулардан рефератлар, берилган матнлар асосида мустақил ишлар ёзадилар ва билим асосларини эгаллайдилар. Кейинги курсларда эса ўтилган курс юзасидан курс ишлари тайёрлаб, ўқув материаллар, катта-кичик бўлим, боблар юзасидан долзарб мавзуларда маърузалар, мақолалар билан илмий анжуман коллоквиум, мунозара-музакаравий машғулотларга қатнашадилар. Бу билан уларнинг илмий, ақлий фикрлаш доиралари кенгаяди, дунёқарашлари мустаҳкамланади.

Мустақил тайёрланган ҳар бир ишда албатта дарсликдан ташқари қатор адабиётлар, газета, журнал материаллари ҳамда чет элда чоп этилган адабиётлар билан танишишга тўғри келади. Бу билан билимлари мустаҳкамланади ҳамда уларда кенг қамровли дунёқараш шаклланади.

Бунинг учун ҳар бир факультетда, кафедрада талабаларнинг мустақил таълим олишлари, у билан боғлиқ мавзулар пухта амалга оширилиши лозим. Талабалар ҳаётига мос замонавий мавзуларда, мунозара, музокарага бой, қизиқарли, иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, тарих, миллий ғоя, миллий мафкура, маънавият-маърифат билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиш кўзда тутилади. Ўзликни англаш, миллий қадриятларимизга хос бўлган керакли, айни вақтда долзарб мавзулар ишлаб чиқилса ва тавсия этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қисқаси, бугун замон, фан-техника кескин ривожланиб бораяпти. Шубҳасизки, бундай жараёнда одам миясидаги маълумотлар жуда тез эскиради. Бундай замонда зиёли эмас, оддий авом одам учун ҳам жуда кўп ахборот қабул қилиш керак бўлади. Атрофдагиларнинг (таълим муассасаларининг ҳам) бизга бераётган хабар-янгиликлари камлик қилади. Шунинг учун биз ҳар доим мустақил равишда изланишимиз, мустақил таълим олишимиз керак бўлади. Олим бўлиш учун эса қанча билим олиш, изланиш кераклигини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

Абдували ШОТУРСУНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

ҚОРАКЎЛНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

УНДАН НЕГА ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ?

Қоракўл Бухоро вилоятининг экологик аҳволи оғир туманларидан бири. Бу ерда ичимлик суви муаммо. Чунки, истеъмолга яроқли сув манбалари жуда кам. Туманнинг шимоли-ғарбида — Замонбобо даҳасидан шифобахш булоқ қайнаб чиқаётганига кўп йиллар бўлди. Кунлар исиши билан бу ерга келувчилар кўпаяди. Кимдир ўз дардига малҳам истаб келса, бошқа биров булоқ сувида чўмилиб, хордиқ чиқаришни ўйлайди. Сабаби аён — шифобахш сув саломатликка фойдали, кўплаб хасталикларга даво.

Хўш, ундан баҳраманд бўлиш учун шарт-шароит борми? Тўғрисини айтганда бу ерда темир қувур ҳамда бетон ҳовузчадан бўлак ҳеч вақо йўқ ҳисоб. Тан олиш керак, Шермуҳаммад Юсупов туман ўрмон хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган кезларда бу ерга келувчилар учун ўнчамунча қулайлик яратилганди. Кейинчалик булоқ яна қаровсиз қолди, иморатлар бузилиб, ванналар қаёққадир йўқолди. Шифобахш сув ўз ҳолича оқиб ётаверди.

Ўйлаб қаралса, беҳисоб бойлик эгасини кутиб, охири қумликка сингиб боряпти. Агар ундан тиббиётда мақсадли фойдаланилса одамлар орасида учрайдиган асаб, бўғин, тери касалликлари бирмунча камаярди.

Тўғри, мазкур булоқ сувининг кимёвий таркиби чуқур ўрганилган эмас. Оқибатда одамлар тилида «иссиқ сув» деб аталаётган бу булоққа ҳанузгача жиддий аҳамият берилмаяпти. Хўш, унинг шифобахш хусусияти нималардан иборат?

— Бу сув умуртқа, бўғинларда тузсимон моддалар йиғилиб қолиши билан боғлиқ остеохондроз, артроз, артрозоортрит, спондилёз, полиартрит каби ҳамда тери касалликларини даволашда фойда беради. Аммо гипертония, юрак, бод хуружи, камқонлик касалликлари билан оғриганлар бу сувга киришлари мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, сув қарийб 50 даража ҳароратда бўлиб, бу эса ушбу хасталиклар учун хавфлидир, — дейди Қоракўл туман марказий шифохонаси асаб касалликлари бўлими шифокори Ж.Қурбонов.

Яна шуни таъкидлаш керакки, чўлнинг бағридаги бу булоқни тиббий мақсадларга йўналтириш осонликча кечмайди. Биринчи галда сувнинг кимёвий таркибини аниқлаш лозим. Бунинг учун туман мутасаддилари Саломатликни тиклаш ва физиодаволаш илмий текшириш институти билан алоқа ўрнатишни ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Бугунги кунда Қоракўл туманида худди шундай яна бир булоқ мавжуд бўлиб, унда чўмилиш, ванна қабул қилиш, ўз навбатида ичиб даволаниш мумкин. Янгибозордаги кўп тармоқли поликлиника ҳовлисида парма ловчилар ёрдамида 405 метр ер қаъридан 24,5 даража иссиқликдаги шифобахш сув чиқариб берилганига ҳам мана тўрт йилдан ошди. Аммо фойдаланишга келганда...

Поликлиника мудири Рамазон Носиров кўп елиб-югуришлардан сўнг ниҳоят яқинда тиббий тикланиш ва физиотерапия шифохонасини очишга рухсат олди. Айни кунларда бу ерда ванналар қуришга киришилди.

1998 йилдан буён булоқ сувининг таркиби мутахассислар томонидан уч маротаба ўрганилди. Унга кўра, юқори минераллашган сув кремний, йод, бром каби моддаларга бой. Органик моддалар сақлаши жиҳатидан «нартуся» туридаги сув бўлиб, 37-40 даражада фойдаланилганда асаб, юрак-қон, тери, гинекологик, овқат ҳазм қилиш, таянч ва ҳаракат органлари билан боғлиқ касалликларга даво бўлади. Оддий сувга беш нисбатда қўшиб ичиб, сурункали ичак, жигар, ўт, гепатит, сийдик йўли хасталикларини даволаш мумкин. Яна бир жиҳат — келгусида хориж сармояларини жалб қилиб, бу шифобахш сувни идишларга солинган ҳолда сотувга чиқариш мумкин.

Қоракўлнинг шифобахш сувлари беҳуда оқмоқда. Атрофдагилар эса бунга бефарқ. Уни халқимиз саломатлиги йўлида сарф қилиш эса мутасаддиларнинг вазифасидир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Ботир ЖУМАЕВ,
журналист

3 ҳафта муҳлат берилди

Исроил хавфсизлик хизмати раҳбари Ави Дитчернинг баёнот беришича, Фаластин раҳбарияти Fазо секторидаги гуруҳларни 3 ҳафта муддат ичида қуролсизлантириши керак. Акс ҳолда бир вақтлар Исроил томонидан ишғол қилинган ва бугунги кунда Фаластин фойдасига бу ерларни бўшатиб бериш жараёни тўхтатилади. Душанба ва сешанба кунлари фаластинликлар томонидан Исроил объектларига ҳужумлар уюштирилган бўлишига қарамай, Исроил ва Фаластин бош вазирлари Яқин Шарқда тинчликни ўрнатиш бўйича ишлаб чиқилган «Йўл ҳаритаси»ни амалга татбиқ этиш борасида учрашувлар ўтказишга келишиб олдилар, дейилади Ha'aretz газетаси ахборотида.

BBC берган маълумотга кўра, Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос ва Исроил бош вазири Ариэл Шарон ҳамкорликда ўтказган матбуот анжуманида Маҳмуд Аббос исроилликларни адоватли қон тўкишларни тўхтатишга чақирди ва Исроил — Фаластин можаросини бартараф этиш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари учун АҚШ Президенти Жорж Бушга миннатдорчилик билдирди. Россия ва Европанинг «акаларча ёрдами»ни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Reuters хабарига кўра, айни дамда Фаластин аҳолиси орасида ХАМАС гуруҳининг таъсир доираси кучли бўлиб, Фаластин ҳукумати айниқса, мактаб ва ижтимоий тизим соҳаларида ўз қўллаб-қувватловчиларини йўқотган. Шунинг учун ҳукумат таъсир доирасини ошириш мақсадида АҚШ Президенти маъмурияти Фаластин ҳукуматига молиявий ёрдам бериш масаласини кўриб чиқмоқда.



Париж. Эйфел минораси. Унинг қурилганига 114 йилдан ошди. Шу билан бирга уни кўришга келувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозир унга ташриф буюрганлар сони юз миллион кишидан ортиб кетди.

Ота ва бола курашади

Илҳом Алиев — Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг ўғли. Унинг номзоди шу йил 15 октябрда бўладиган президентлик сайловларига қўйилган. «Би-би-си»нинг рус хизмати хабарига кўра, Илҳом Алиевнинг номзоди Нахичеван Автоном Республикаси томонидан илгари сурилган.

Маълумки, Нахичеван Президент Ҳайдар Алиевнинг ватани.

Дарвоқе, Ҳайдар Алиевнинг номзоди яна қайтадан қўйилмоқда. Шу йил 23 июнь куни бўлиб ўтган «Ени Азербайджан» («Янги Озарбайжон») ҳукмрон партиясининг сиёсий кенгаши шундай қарор чиқарди.

«Би-би-си»нинг рус хизмати таъкидлашича, Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси яқин кунларда ота-бола номзодини рўйхатдан ўтказади.

Эслатиб ўтамиз: Ҳайдар Алиев Президентлик лавозимини 1993 йили эгаллаган. 1998 йилда иккинчи муддатга қайта сайланган. Янги президентлик сайловлари эса шу йил 15 октябрда бўлади. Ушанда президентлик лавозимини ким эгаллайди, буни вақт кўрсатади.

Дарвоқе, Ҳайдар Алиев шу йил 10 майда 80 ёшини нишонлади. Охирги пайтларда унинг соғлиғи жиддий муаммолар туғдирмоқда.

Еттинчи ўринда

Давлат статистика қўмитаси Бутунроссия бўйлаб олиб борилган аҳолини рўйхатга олишнинг сўнгги якуний хулосасини чиқарди. Унга кўра, аҳоли сони жиҳатидан Россия дунё бўйича еттинчи, яъни Хитой, Хиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия ва Покистондан кейинги ўринда тураркан. Бугунги кунда Россиянинг умумий аҳолиси (муҳожирлар билан қўшиб ҳисоблаганда) 145,5 миллион кишини ташкил этади. Бу 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш ҳисоб-китобларига қараганда 2 миллионтага камдир. Ушанда собиқ РСФСРда 147 миллион киши яшар эди.

Статистларнинг маълумотларига қараганда, бугунги кунда аҳолининг 73 фоизи шаҳарларда, атиги 27 фоизигина қишлоқ жойларида яшаркан.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳолиси миллиондан ошган шаҳарлар 13 тага етган. Булар: Москва (10,4 миллион киши), Санкт-Петербург (4,6 миллион киши), Қозон, Ростов-на-Дону, Волгоград, Новосибирск, Нижний Новгород, Екатеринбург, Самара, Омск, Уфа, Пермь ва Челябинск.

Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари Сергей Коресниковнинг айтишича, Россия қишлоқлари учдан бири бугунги кунда хувиллаб қолган, яъни 155 минг қишлоқнинг 8 фоизи бутунлай «ўлик» ҳолда. Ҳужжат бўйича бу қишлоқларда одамлар яшаши керак эди. Аммо... барча уйларнинг эшик ва деразалари михлаб ташланган. Одамлар эса бошқа ҳудудларга кўчиб кетган. Шундай қилиб аҳолиси 10 кишидан ортиб-ортмаган қишлоқлар сони 22 фоизни ташкил этади. 66 қишлоқда аҳоли жуда камайиб кетган.

Россиянинг жанубий ҳудудларида эса аксинча, аҳоли кўпайган. Масалан, Доғистонда — 43 фоизга, Қабардин-Болқорда — 20 фоиз, Ставропол ўлкасида — 17 фоиз, Краснодар ўлкасида эса 11 фоизга ортган, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

Жиноят жазосиз қолмайди

НИЯТИ ҚОРАНИНГ ҚИСМАТИ ҚОРА

ЁКИ ЕНГИЛТАКЛИК, ИЧИҚОРАЛИК ОҚИБАТИДА ШАЙТОН ИЗМИГА КИРГАН АЁЛНИНГ ҚАБОҲАТ БОТҚОҒИГА БОТИБ, ҚИЛГАН ЁВУЗЛИГИ ҲАҚИДА

Насиба турмушга чиққанида ўн етти ёшда эди. Баҳодир билан ҳавас қилгудек ҳаёт кечира бошладилар. Бир-бирини қувлашиб йиллар ўтаверди. Бу орада оилада ширидан шакар уч фарзанд дунёга келди. Нима бўлди-ю, Насибанинг кўнглига шайтон оралаб, кўнгил кўчасига эрк бера бошлади, оиладан файз кетди. Ўшанда 2002 йилнинг июнь ойлари эди. Фарзандларини етаклаб, «онамдан хабар олиб келаман», деб йўлга отланган Насиба шу куни уйга қайтмади. У уйда жамғариб қўйилган пулни ёнига жойлаб, Тошкентга кетиб қолганди. Орадан икки кун, уч кун, тўрт кун ўтса ҳам она-болалардан дарак бўлмади. Яқинлари уларни таниш-билиш, қавм-қариндошларникидан қидириб, тополмай юрган кунларнинг бирида телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан ўғли Бахтиёрнинг овозини эшитган Баҳодир қувончдан ўзини йўқотаёзди.

— Ўғлим бормисан, қидирмаган еримиз қолмади, қаердасизлар?

— Дада, ойимга билдирмай телефон қиляпман. Оҳангарондаги бир квартирада яшаяпмиз, келиб олиб кетинг бизни, — дея Бахтиёр ўзлари турган манзилни айтди.

Соғинч азобида юрак-бағри ўртанаётган Баҳодир Оҳангарон томон қушдек учди. Ўғли айтган манзилни топиш қийин кечмади. Насиба бу уйни сотиб олиб яшаётганини билиб, тепасочи тикка бўлди-ю, аммо бу ерда жанжал кўтариш беҳуда эканлигини ўйлаб, хотини ва болаларини ўз уйига қайтарди. Наманганга келгач, Насибани маҳалла фуқаролар йиғинида фаоллар, онаси, қариндошлар иштирокида муҳокама қилишди. Насиба бошқа бундай қилмаслигини айтиб, кечирим сўради. Унинг хурмача қилиғи қуюшқонга сиғмаса-да, ҳамма кечирди. Оила бузилиб, уч боланинг тирик етим бўлиб қолмаслигини ўйлашди.

Лекин Насибанинг эл олдида қилган тавба-тазарруси шунчаки макрдан бошқа нарса эмас экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у яна Тошкентга қочиб кетди. Бу гал оёғига тушов бўлган болаларини ташлаб кетди. Лекин орадан уч кун ўтиб қайтиб келди. Унинг бу галги қилмишидан жаҳли чиққан Баҳодир ажрашишга қарор қилди. Аммо онаси уларнинг турмуши бузилишини истамади. Набиралари тақдирини ўйлаб, ўғлини бу фикрдан қайтарган муштипар она саёқ келиннинг ҳатто разилликкача бориб етишини қаёқдан ҳам билсин. Шу боис Насибага ҳам панд-насиҳат қилган бўлди. Андишанинг отини қўрқоқ билган келин бўлса кечиримли қайнонанинг бу марҳамати эвазига уни ҳақоратлаб, уришгача борди.

Оила шаъни, ор-номусини ўйлаб келинининг кейинги пайтдаги «ҳунар»ларидан фиғони фалак бўлиб юрган қайнсинглиси Мунаввар энди чидаб туролмади. Насибани тергаб-уришди, ҳатто инсофга келтириш учун сан-мангача борди. Оқибатда орага совуқчилик тушди. Инон-ихтиёрини бутунлай шайтон измига топшириб қўйган Насиба шундан сўнг қайнсинглиси Мунаввардан қасд олишни дилига тугиб қўйди. Кунлар ўтгани сари кўнглидаги қасос ўти алангаланиб унга тинчлик бермас, қайнсинглисидан ўч олишнинг минг бир йўлини изларди. Ниҳоят, хаёлига келган фикрдан таскин топгандай бўлди. «Ўғлини гумдон қиламан. Боламлаб зор қақшаб қолганини бир томоша қилай...»

Насиба қалбидаги бу қабиҳ режани амалга оширишни узоққа чўзмади.

2002 йилнинг 7 сентябри эди. Вақт тушдан оққанда Насиба ўғли Бахтиёрни ёнига чақирди.

— Бахтиёр, Мунаввар аммангнинг ўғли Мансуржонни олиб келсанг-чи, болам.

— Нега ойи?

— Ширинтойни бирам соғиндимки, биргалашиб чой ичамиз, кейин шаҳар айланиб, ўйнатиб келардик-да...

Бахтиёр ойисининг раъйини қайтармай аммасининг уйига жўнади. Ҳеч қанча вақт ўтмай у 6 ёшли Мансуржонни етаклаб келди. Насиба Бахтиёр ва Мансуржонни ёнига олиб, кўчага отланди. Улар киракаш «Дамас»да автовокзалга келишганда соат 19 лар чамаси эди. Насиба Бахтиёр ва Мансуржонни канал ёқасидаги дарахт ёнида қолдириб, ўзи бир таниш ҳайдовчини қидириб, автовокзал томон кетди. Орадан бир оз вақт ўтгач, болалар ўзи билан ўзи овора бўлиб гаплашиб турганда қайтиб келди-ю, Мансуржоннинг елкасидан ушлаб, сувга улоқтириб юборди. Мансуржон жон талвасасида сув юзига бир-икки бор қалқиб чиқди-ю, сўнг узоқлашиб, кўринмай кетди...

Онасининг бу хатти-ҳаракатидан ҳангу манг бўлган ўғли Бахтиёр унга қўрқув билан тикилиб қолди. Насиба ўғлига бу ҳолни ҳеч кимга айтмаслигини, акс ҳолда, икковлари ҳам қамалиб кетишларини уқтиргач, ҳеч нима бўлмагандек уйга қайтишди.

Кечга яқин Мунаввар ўғли Мансуржонни излаб келди.

— Ўғлингиз аллақачон бу ердан кетган, — дея жавоб берди унга Бахтиёр хотиржам ҳолда. Қандайдир нотинчликни сезганидан кўнгли хуфтон бўлган Мунаввар бундан тутоқиб кетди. «Ахир уйдан сен олиб келган экансан. Олти ёшли болани қандай қилиб ўзини кетказиб юбординг», — дея Бахтиёрнинг юзига тарсаки тортиб юборди.

Бу ҳолдан аччиқланган Насиба ҳалигина ўзи асфалософилинга юборган болакай онасининг ҳам таъзирини бериб қўйиш қўлидан келишини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, унга ташланди.

Насибанинг чангалидан бир амаллаб қутулган Мунаввар унга лаънатлар айтиб, уйига шошилди. Унинг кўнглида «ишқилиб, Мансуржон уйга қайтиб борган бўлсин-да», деган илинж шамдек милтирарди. Афсуски, уйга қайтиб борганида жажжигина ўғли «ойижон» деб чопқиллаб чиқмади. Шу куни минг бир азобда тонг оттиришди. Мансуржоннинг бедарак кетганидан қалбларини ҳадик ва хавотир маҳв этган хонадон эгаларига бир кеча минг кечадек туюлиб кетди. Туни билан мижжа қоқмадилар. Тонг ёришмасдан туриб яна кўчага отланишди. Мансуржонни кўниқўшни, қариндош-уруғлардан дараклаб кўришди. Аммо бирор хабар йўқ эди.

Мунаввар қариндошлари билан яна Насибанинг олдига боришди ва уни қийин-қистовга олишди.

Кўнглида раҳм-шафқат, инсонийликдан асар ҳам қолмаган Насиба бўлса, дам Мансуржонни далага ташлаб келганман, деса, дам у Рустам Солиев деган кишининг уйида, деб жавоб қилар, жабрдийдаларнинг изтироб чекаётганидан парвои фалак эди. Мансуржоннинг яқинлари яна икки кун даладаштни қидиришди, Насиба айтган Рустамжон исмли кишининг уйига боришди. Аммо оворaю сарсонликдан ўзга нарсага эриша олишмади. Шундан сўнг ички ишлар бўлимига ариза беришди.

Жиддий қидирувга киришган ички ишлар ходимлари Насибадан Мансуржон ҳақида тўғри маълумот беришини талаб қилишди. Аммо маккор Насиба уларни ҳам чалғитишга уриниб: «Болани Тошкентга қатнайдиган Рустам Солиев деган кишидан ўша ёққа бериб юборганман», — деб навбатдаги ёлғонни тўқиди. У шу қадар ишонарли гапирган эдики, шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимининг бўлинма бошлиғи Акмал Аълохўжаев, милиция ходими Каримжон Fайназаров Насиба ва унинг эри Баҳодирни олиб Тошкентга отланишди.

Ҳийлагар Насиба болани сувга чўктириб юборган дақиқаданоқ тубан кимса сифатида роль ижро этишга киришганди. Шу боис Тошкентда киракаш ҳайдовчи Рустамни кўриши билан «Бола қани?», деб унга ёпишди.

Бундай туҳматни кутмаган Рустам ҳайратдан қотиб қолди. «Қанақа бола?! Мен ҳеч қанақа болани билмайман!» деди сўнг бир оз ўзини ўнглаб. Милиция ходимлари эса Насибадан ҳамон жўяли жавоб кутишарди. Шу пайт маккор аёлнинг ҳаёлида яна бир ёлғон фикр айланди. «Бола Аюбхон исмли новвойда. У шу ерда новвойлик қилади. Рустам болани унга бериб юборгану, айтмаяпти», деди. Ички ишлар ходимлари Рустамни ҳам ўзлари билан бирга олиб Тошкентда новвойлик қиладиган наманганлик Аюбхон исмли кишини топишди. Аммо ундан ҳам бола ҳақида ҳеч нима билмаслигини эшитгач, ортга қайтишга мажбур бўлишди.

Жиноят қидирув бўлими ходимлари яна Баҳодир, Насиба ва Рустам ўтирган икки машина довон оша Наманган томон елдек учар, разил аёл бўлса гуё барибир қилмиши ошкор бўлишини сезгандай ўзини йиғидан тўхтатолмай тақдирга лаънатлар айтиб келарди. Поп тумани ҳудудидан ўтиб бораётганларида машиналар тўхтаб, улар пастга тушишди. Йиғлаётган Насиба улардан аста узоқлашди. Қалбидаги сирни ортиқ ичида сақлай олмай қаттиқ уф тортди-ю, «Бола қандай жон бердийкин, энди мени отиб юборишади», дея ерда ётган тошни олиб ўз бошига урмоқчи бўлди. Хайриятки, ёнидаги кишилар уни ушлаб қолишди.

Шундан сўнг Наманган шаҳар прокуратураси томонидан Насиба Низамбоевага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, у қамоққа олинди. Мансуржоннинг жасади ўн икки кун деганда Шимолий Фарғона каналининг Поп тумани Пилол қишлоғи ҳудудидан ўтувчи қисмидан топилди. Суриштирув-тергов жараёнида Насиба Низамбоеванинг айби тўлиқ исботини топиб, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди уни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм ўқиди.

Ҳукм ўқилди. Қабиҳ кимса ўз жазосини олди. Аммо бу Мунавварнинг қалбига етган жароҳатга малҳам бўла олармикан? Йўқ, албатта. Норасида бир гўдакнинг умрига зомин бўлган кимса буни англаб етармикан? Афсуски, энди бариси кеч. Ичиқоралик, енгилтаклик уни қабоҳат йўлига бошлади. Нима бўлди? Норасида гўдак нобуд бўлди, унинг ота-онаси бағри куйди, қотил аёлнинг ўзи қамалди, болалари етим қолди... Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, деган мақол бор.

Шундай экан, барчани ҳушёрликка, шафқатга чорлаб, жиноятга жазо муқаррар эканлигини яна бир карра эслатиб ўтмоқчимиз.

Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ,
Наманган шаҳар прокурори

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

◆ **Янгийўл шаҳар партия кенгаши** негизида эса «Ёшлар ўртасида Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини тарғиб этишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик» мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби А.Маҳмудхонов, ЮНИСЕФ ташкилоти мутахассиси Б.Жиянов, «Семурғ» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари М.Тоштемиров ҳамда қатор БПТ етакчилари ва фаоллар иштирок этиб, сўзга чиқдилар. Мулоқотда партия ташкилотларининг ёшлар сиёсатини олиб бориши ва бу масаланинг фойдали томонлари тўғрисида сўз борди.

◆ **Сирғали туман** Чоштепа маҳалласи ҳудудий партия ташкилотида ўтказилган тадбирда МК ва шаҳар, туман кенгашларининг сўнгги пленумларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда маҳаллаларда ёшлар тарбияси, ишсизлик каби муаммолар юзасидан БПТнинг нуқтаи назарини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. Йиғилишда ХДП туман кенгаши биринчи котиби Л.Исматова, фалсафа фанлари доктори, профессор З.Давронов, сиёсий фанлар номзоди, доцент Т.Алимардонов, шоира З.Мўминова, туман мудофаа ишлари бўлими ходими У.Ўринбоевлар иштирок этиб, мажлис муҳокамасидаги масалалар ҳамда парламент XI сессияси ҳужжатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мажлисни БПТ етакчиси С.Ғаппорова олиб борди.

ЎЗБЕКЧАЛАШТИРИЛГАН КОМПЬЮТЕРЛАРДА ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Бу борада Ўзбекистон Миллий университетининг компьютер лингвистикаси кафедраси кенг фаолият олиб бормоқда

Миллатнинг урф-одати, минталитети, ўзига хос томонлари тилда ўз аксини топади. Аммо тилнинг яна бир асосий жиҳати бор — у инсонларга тушунчаларни англашда, маънавий оламни бойитишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Тил бўлмаганида, биз жаҳон майдонида «қуролсиз жангчи»дек бўлиб қолардик... Нима учун бундай нисбат беряпмиз?

Бугун дунё катта ахборот майдонига айланган. Бундан бир неча йиллар олдин Билл Гейтс: «Ким ахборотга эга бўлса, у ҳамма нарсага эга», — деганида айни асримизни назарда тутиб гапиргани рост. Тўғри, ахборотнинг фойдали ва айни пайтда унинг ножоиз томонлари борлигидан ҳам кўз юма олмаймиз. Аммо, бизнингча, зарарли ахборотдан сақланишнинг ягона йўли — уни ўрганиб, тўғри хулоса чиқара билишдадир.

Хўш, дунё ахборотидан етарли даражада воқифмизми? Агар етарли бўлмаса, ҳамма айбни оммавий ахборот воситаларига тақаб қўяверишимиз тўғримикан? Ахир ҳозирги кунда бутун дунё Интернет тизими билан иш юритмоқда. Шахсий компьютер (Personal komputer) каби тушунчалар пайдо бўлмоқда. Албатта, ҳар ким информация олиш-олмаслигига ўзи масъул. Шундай экан, демак, биз компьютердан эркин фойдалана билишимиз керак. Кўп ёшларимиз қанча-қанча вақтларини интернет «кафе»ларида илмини, маънавиятини ошириш ўрнига турли ўйинлар ўйнаш ёки ҳар хил фильмлар кўриш билан ўтказаяптилар. Албатта, бу кишини ўйлантириб қўядиган масала. Ва ана шу ўринда биз тил мавзуси муҳокамасига яна қайтамиз. Ёшлар компьютердан фойдалана олмаслигига, Интернет билан бемалол боғланиб ўзига керакли маълумот топа билмаслигига сабаб, энг катта тўсиқ — тил турибди. Зеро, дунё тилларини, хусусан, рус ва инглиз тилларини билмаган киши компьютерда эркин ишлай олмайди.

Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетида компьютер лингвистикаси кафедраси фаолияти шу каби муаммоларга чек қўйишдан иборат. Кафедрага физика-математика фанлари доктори, профессор А.Пўлатов раҳбарлик қилмоқда. Кафедра тил ва адабиёт билан боғлиқ муаммоларни компьютерда ҳал қилиш масаласи билан шуғулланади. Муҳаррирлар соатлаб матн таҳрири устида вақтларини кетказмасликлари учун таҳрир дастурлари ҳамда таржимонлар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида тилдан тилга таржима дастурларини яратиш каби жараёнлар кафедранинг иш режасидан ўрин олган. Аммо ҳаммасидан аввал бу кафедрада «Windows» компьютер операцияси тизимининг ўзбекча версияси яратилаётганлиги диққатга сазовордир. Профессор А.Пўлатов ва доцент А.Мараҳимовлар бошчилигида бу ишга киришган гуруҳ Американинг Microsoft фирмаси билан алоқа ўрнатишга эришди. «Windows» операция тизими таржимасида асосан Ўзбек филологияси, Компьютер технологиялари ва Хорижий филология факультети мутахассислари ҳамда талабалари иш олиб боряптилар. Ишонамизки, яқин орада минглаб юртдошларимиз ўзбек тилидаги компьютерларда ҳар қандай ишни бемалол бажариш имконига эга бўладилар.

Кафедра қошида яна бир кўзга кўранарли иш амалга оширилаяпти. Барчамизга маълумки, яқинда Интернетда ўзбек адабиёти сайти (literature. Uzb) очилди. Бу, албатта, бутун дунёдаги ўзбек адабиёти билан қизиқувчиларни, ихлосмандларни қувонтирди. Энди ўзбек адабиёти намуналарини дунёга чиқариш имконияти пайдо бўлди. Албатта, бу имкониятдан самарали фойдаланиш — асарларни инглиз ва бошқа тилларга таржима қилиниши билан боғлиқ. Компьютер лингвистикаси кафедраси қошида худди ана шу йўналишдаги ишлар йўлга қўйила бошланди. Зеро, ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш вақти келди.

Бир сўз билан айтганда, компьютер ва тил-адабиёт ҳамкорлиги бошланди. Бу ҳамкорлик ўз-ўзидан жамиятимизга янги компьютер лингвистикаси соҳасини олиб кирди. Энди филология факультетида ўқийдиган талабалар фақатгина тилшунослик ёки адабиётшунослик бўйича эмас, компьютер лингвистикаси мутахассислиги борасидаги сабоқларга ҳам эга бўладилар.

Дарвоқе, компьютер лингвистикаси мутахассисларининг вазифаси ўзбек тилининг янгича қисқа ва аниқ компьютер услубини ишлаб чиқиш, ўзбек тили ва адабиёти дарсликларининг электрон версияларини яратиш, компьютер таржимаси, матнларни таҳрир қилиш, бадиий асарларни жанрлар бўйича таснифлаш ва бошқа шу каби бир қатор компьютер дастурларини яратишдан иборат.

Хулоса шу: ахборот асрида яшар эканмиз, тил муаммоларини ҳал қилиш — тараққиёт йўлидаги энг катта қадам бўлиб хизмат қилади.

Дилдора ЗУВАЙТОВА

Оммавий спорт

ТЎМАРИС ВОРИСЛАРИ

Уйчи туманида «Тўмарис ўйинлари» фестивали бўлиб ўтди

«Тортишмачоқ», «Қирқтош», «Отиб қочар», «Арғимчоқ», «Отишма»... Аждодларимизнинг минг йиллардан буён яшаб келаётган бу ўйинлари шунчаки вақт ўтказиш учун ўйлаб топилган овунчоқ эмас, балки миллий минталитетимизни ўзига ёрқин жо этган спорт ўйинлари эканлигини энди ғурур билан эътироф этяпмиз.

12 ёшдан 50 ёшгача қиз ва аёллар ўртасида ташкил этилган «Тўмарис ўйинлари» спорт фестивалининг III республика босқичи очилиш маросимида сўзга чиққан Республика спорт қўмитасининг вакиллари Жасур Акромов, Талъат Усмонхўжаев, вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Донохон Раҳимбоева, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Шокир Қорабоевлар эътирофида ҳам ўзгача ғурур ифода топди.

«Обод маҳалла йили» давлат дастурига мувофиқ республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Наманган вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган тадбирга туман маҳаллаларидан вакиллар, болалар боғчалари тарбияланувчилари, ўсмир-ёшлар, бир сўз билан айтганда юзлаб спортсеварлар томоша, хордиқ учун ҳам тўпландилар.

Вилоят маданият бошқармаси, вилоят мусиқали драма театри жамоалари томонидан тайёрланган бадиий кўргазмали чиқиш, Тўмарис тимсолининг ўзига хос талқини байрам руҳини бойитди.

Икки кун давом этган фестивал мусобақалари якунига кўра, Наманган вилояти вакиллари «Энг яхши жамоа» деб топилди. Тошкент ва Фарғона вилоятлари жамоалари фестиваль мусобақаларининг намунали фаол қатнашчилари дея эътироф этилди.

— Фестивалга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилганди, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Олимжон Бобоев. — Энг муҳими, Самарқанду Сурхондан, Бухорою Хоразмдан, Жиззаху Қашқадарёдан, қўйингки, барча вилоятлардан келган спортчиларнинг ҳурсандликлари чексиз. Пойтахтлик, фарғоналик спортчи қизларнинг мусобақалардаги фаоллиги ташкилий қўмитани ҳам ҳурсанд қилди.

Фестиваль ўз номи билан фестиваль. Унда қайсидир вилоят жамоасининг қўли баланд келган бўлса ҳам фестивалга хос байрамона кайфият барча иштирокчиларда сақланиб қолди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Маҳмуджон ПАРПИЕВ

Суратларда: спорт фестивалидан лавҳалар.

Ҳ. МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

ИБРАТЛИ ИШЛАР

— 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши — асрий анъаналаримиз тикланиши йўлида муҳим қадам бўлди, — дейди Каттақўрғон туманининг Гирдиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олтинбек Қурбонов. — Обод маҳалла дейишнинг ўзидаёқ олам-олам маъно мужассам. Гап фақат маҳалланинг ободлиги ёки кўркамлигида эмас, тинчлик, осойишталик ва аҳиллигида ҳамдир. Худудимизда 5 та маҳалла бўлиб, унда 14 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлар бириктирганмиз. Маҳалла фаоллари келишиб, турли хил тадбирлар уюштиришни йўлга қўйдик...

— Бугун спорт ва жисмоний тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — сўзга қўшилди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раиси Акрам Худойбердиев. — Хусусан, болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биз ҳам маҳаллаларда чиниқиш масканлари бунёд этиб, уларга болалар ва ўсмирларни кенгроқ жалб этиш йўлини тутдик. Пайшанба шаҳарчасининг Чиғатой маҳалласида бокс майдони ташкил этилди. Жиҳозларни шу маҳаллалик тадбиркорлар ҳадя этишди. Бу ишни ҳозир бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этишни режалаштирдик. Мақсад — келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб етиштириш...

Яна бир ибратли тадбир: ўзбекчиликда маҳаллалардаги чойхона (гузар)ларга азалдан одоб-ахлоқ маскани сифатида қаралган. Агар бирор ёш-яланг беодоблик содир этса, уни чойхонада изза қилишган, уялтиришган. Шу боис, бугунги кунда туман маҳаллаларида янги чойхоналар бунёд этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш борасида ҳам жиддий ишлар олиб борилмоқда. Маҳалла — тарбия маскани, юрт устуни деган кўпдан-кўп таърифларнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда бўлса керак.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Халқимиз ростгўйликни инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири деб, ёлғончилик, алдамчиликни эса энг ёмон иллатлардан бири деб билади. Бир туркум мақолларда ёлғончиларнинг феъл-атвори, ёлғон сўзнинг ёмон оқибати, ёлғончининг қисмати ёрқин ифода этилган: «Ёлғончига тонг отмас» («Ёлғончи: «Тезроқ тонг отақолса-ю, одамларни алдасам», деб уйқуси келмай, туни билан тонгни зориқиб кутади», дейилмоқчи); «Ёлғончининг гувоҳи ёнида юради» («Ёлғончи гапирган гапини тасдиқлаш мақсадида: «Мана, ишонмасангиз бу кишидан сўранг», деб ёнидаги одамни гувоҳ қилиб кўрсатади», дейилмоқчи); «Ёлғончи ўлган кишини гувоҳ тутади» («Ишонмасангиз фалончидан сўранг» деб, у бу суҳбатда иштирок этмаётган одамни, ҳатто ўлиб кетган одамни гувоҳ қилиб кўрсатади», дейилмоқчи);

«Ростга ёлғон аралашмаса, ишинг юришмайди» (кишилар ёлғончини мазах қилганларида, киноя билан шундай дейдилар); «Ёлғонга ё ялқов иконар, ё — анқов», «Ёлғоннинг умри қисқа. Тез орада ёлғонлиги маълум бўлиб қолади» дейилмоқчи); «Ёлғончининг чини ҳам — ёлғон»; «Ёлғончи тўрга бир ўтар, икки ўтмас» («Ёлғончилиги маълум бўлмагунча одамлар уни яхши одам сифатида тўрга чиқариб, иззат-ҳурмат қилишади. Ёлғончилиги маълум бўлиб қолгандан кейин эса иззат қилиш у ёқда турсин, ундан ҳазар қилишади», дейилмоқчи);

«Тилни суйсанг, рост сўйла»; «Ёлғон гапириб яшагандан — рост гапириб ўлган яхши»; «Сўзи ҳақнинг — юзи оқ»; «Ёлғон айтиб фойда кўрсанг, охири зарар кўрасан, рост айтиб зарар кўрсанг, охири фойда кўрасан» (азалдан мавжуд бўлган анъанага кўра, бир нарсани сотаётган одам олаётган одамга молининг айбини тўғридан-тўғри айтиб, олдиндан огоҳлантириб қўйиши керак бўларди. Агар у сотарда молининг айбини айтмаса, алдаса, олган одам буни кейин билиб қолса, бу воқеани оқсоқолга бориб айтарди. Илгари ҳар қайси касб-ҳунар эгаларининг ҳамда ҳар қайси бозорнинг ўз оқсоқоли бўларди. Бу оқсоқоллар гар бирор келишмовчилик, жанжалли иш чиқиб қолса, бориб, бартараф қилардилар. Молини алдаб сотган одамга айбона, жарима солардилар ҳамда мол олган одамга пулини қайтариб олиб берардилар. Шу ўртада кўрилган зарар (айбона, жарима ҳақи) алдамчи сотувчининг гарданига келиб тушарди. Юқоридаги мақолда шу нарса назарда тутилган); «Ёлғон гапирган — етти маҳабда мусулмон эмас»; «Ростгўй шон тутар, Дуруғгўй қон ютар» (шон — мартаба, даража, қадр); «Ёлғончидан шон қолмас, Номидан нишон қолмас».

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти профессор-ўқитувчилар таркибига танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий-педагогик иш стажига, илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар, ахборот технологиялари бўйича юқори малакали мутахассис, ҳарбий ўқув юртида ишлай олиш салоҳияти ва истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Барча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитасининг кадрлар бошқармаси.
Телефонлар: 120-76-31, 144-34-74.

«IXTISOS-MARKAZ»

масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2003 йил 25 июндаги 10-сонли буйруғига асосан жамиятни тугатиш жараёни тўхтатилиб, фаолияти тикланди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 27 июнь кўни ўтказилган аукцион савдосида Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси 24 000 000 сўмга сотилди.

Шунингдек якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Марғо Улуғбек тумани, Тошкент оқшоми кўчасида жойлашган сатҳи 0,0128 гектарли ер участкасининг эгалик ҳуқуқи 1 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. **Телефонлар:** 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 1995 йил июнь ойида Мирзамуҳамедова Феруза Мирзахматовнага берилган 115924 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси А.Ҳ.Эрдонаевга қизи

АЗИЗАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши «Тошкент универмаги» очиқ акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамияти бошқаруви раиси Ҳабибулла Раҳматович Шариповга онаси

ШАФОАТ ҳожи онанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Qo'chqor NORQOBIL

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 602

8283 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA